
Ўзбекистон тумани ҳокими Шерзоджон Юлдашевнинг 1
октябрь–Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан байрам
табриги

**Қалби эзгуликларга йўғрилган азиз устозлар! Қадрли ўқитувчи ва
мураббийлар!**

Сизларни барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ўқитувчи ва
мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Умрини таълимга бағишлаган, юрт равнақини ўзи тарбиялаётган шогирдлари
тимсолида кўра билган, кўз нурию қалб қўрини илм улашиш йўлида аямайдиган,
касбига фидоий устозлар миллатимиз бойлигидир!

Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, шогирдларингиз
камолини кўриш ва улар ардоғида бўлишдек бахт насиб этишини тилайман.

Ҳурмат билан,

Шерзоджон Юлдашев, Ўзбекистон тумани ҳокими

2022-09-30 17:12:01